



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

2021 йил — Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ E-mail: Info@xs.uz

2021 йил 30 апрель, № 90 (7870)

Жума

Сайтимиизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



АЗАЛИЙ ҚАРДОШЛИК ВА ЕЛКАДОШЛИК ИФОДАСИ

29 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев амалий ташриф билан Туркменистонда бўлди.



Ашхобод халқаро аэропортида давлатимиз раҳбарини Туркменистон Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари — ташқи ишлар вазири Рашид Мередов кўтиб олди. Ашхобод шаҳрида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедовнинг учрашуви бўлиб ўтди. Сўхбат аввалида давлатимиз раҳбари Туркменистон етакчисига отаси Маликгули Бердимухамедовнинг вафоти муносабати билан Ўзбекистон халқи ва шаҳсан ўз номидан яна бир бор чуқур ҳамдардлик билдирди. Маликгули Бердимухамедов туркман халқининг содиқ фарзанди ва ҳақиқий ватанпарвар бўлгани, ўз

юртининг равнақиға улкан ҳисса қўшгани таъкидланди. Туркменистон Президенти ҳамдардлик учун ташаккур изҳор этиб, биродар ўзбек халқи ва унинг етакчиси ушбу муносибати дамларда даъво бўлаётгани юксак баҳолаши ва кадрлашини алоҳида қайд этди. Музокаралар чоғида Ўзбекистон ва Туркменистон Президенти икки томонлама ва минтақавий кун тартибининг долзарб масалаларини муҳокама қилдилар. Ўзбекистон етакчиси Гурбангули Бердимухамедовни Туркменистон Миллий Кенгашининг Халқ Маслаҳати раиси этиб сайлангани билан табриқлади, бу мамлакат тараққиёти йўлида амалга оширилаётган сиёсат Туркменистон халқи томонидан қатъий

қўллаб-қувватланаётганининг ёрқин далили эканини таъкидлади. Пандемия билан боғлиқ мураккаб даврда Ўзбекистон — Туркменистон муносабатлари ижобий сурат билан ривожланиб бораётгани мамнуният билан қайд этилди. Биргаликдаги саъй-ҳаракатлар тўғрисида кейинги йилларда товар айирбошлаш ҳажми уч баробардан зиёдга кўпайди ва ўтган йил якунларига қўра 530 миллион долларга етди, 150 дан ортиқ қўшма корхоналар ташкил этилди. Шу билан бир қаторда, савдо, инвестициялар, sanoat кооперацияси бўйича, энг аввало, транспорт, энергетика, машинасозлик, енгил ва озиқ-овқат sanoati, қишлоқ ва сув ҳўжалиги соҳаларида мавжуд салоҳиятни

янада тўлиқ ишга солиш зарурлигиға эътибор қаратилди. Халқаро транспорт ва транзит йўлагини яратиш тўғрисидаги Ашхобод битимини бундан бунён ҳам биргаликда илгари суриш, шунингдек, Хитой — Марказий Осиё — Жанубий Кавказ — Туркия мультимодал маршрутнинг самарали ишлатилишини таъминлаш ва транспорт-логистика инфратузилмасини ривожлантириш борасидаги ҳамкорликни давом эттиришга томонлар тайёр экани таъкидланди. Музокараларда халқароимиз яқинлигининг энг муҳим омилли сифатида маданий-гуманитар ҳамкорликни кенгайтириш ва муносабатларни долзарб экани яна бир бор қайд этилди. Ўзбекистон Президенти Туркменистон раҳбарига унинг халқароимиз ўрта-

сидаги биродарлик муносабатларининг навбатдаги ёрқин рамзи сифатида Ашхобод шаҳрида "Тошкент" боғини ташкил этиш ташаббуси учун алоҳида миннатдорлик билдирди. Ҳамкорликни кенгайтириш ва янги ўсиш нуқталарини излаш мақсадида яқин вақтда Тошкент шаҳрида Савдо-иқтисодий, илмий-техник ва маданий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Туркменистон ҳукуматлари комиссиясининг навбатдаги йиғилишини ўтказишга қарор қилинди. Учрашув якунида Ўзбекистон ва Туркменистон етакчилари икки мамлакат халқларининг кўп асрлик дўстлик ва яқин қўнаниқлик ришталарини янада мустаҳкамлаш йўлида ўзаро ишонч ва ҳурмат тамойиллари асосидаги стратегик шериклик муносабатларини изчил мустаҳкамлашда қатъий эканликларини тасдиқладилар. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов "Туркман-боши руҳи" мажмуасига ташриф буюрди. Туркменистоннинг биринчи Президенти Сапармурат Ниязов мақбараси зиёрат этилди. Утганлар ҳаққиға Курьон суралари тиловат қилинди. Мажмуа яқинида Туркменистон Президентининг отаси Маликгули Бердимухамедов хотирасига бағишланган ифтор дастурхони ёзилди. Тадбирда икки мамлакат муфтийлари, уламолар, ёшлар билан жамоатчилик вакиллари иштирок этди. Давлатимиз раҳбари сўзининг аввалида Маликгули отанинг вафоти муносабати билан халқимиз номидан чуқур таъзия билдирди. Марҳумнинг ибратли ҳаёти, самарали фаолияти, савобли ишлари ёдға олинди.

Ўзбек ва туркман халқлари қадимдан бир-бириға елкадош бўлиб, дўст ва биродар бўлиб яшаб келмоқда. Буюк мутафаккир Махтумқулнинг: "Фиронийнинг икки кўзи бор, Бири туркман бўлса, бири ўзбегим, деган ўлмас сатрлари ҳам бунни тасдиқлайди. Бугунги хотира маросими ҳам ана шу азалий қардошлик ва биродарлигимизнинг яна бир амалий намоёнидир, — деди Шавкат Мирзиёев. Рўздорлар Аллоҳ талоудан дунёға тинчлик, саломатлик, халқароимизнинг дўстлиги ва қардошлиғи мустаҳкам бўлишини тилаб дуолар қилди. Шу билан Президент Шавкат Мирзиёевнинг амалий ташрифий якунланди. Давлатимиз раҳбарини Ашхобод халқаро аэропортида Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов кузатиб қўйди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

ЎЗБЕКИСТОН ВА ХХР ЕТАКЧИЛАРИ ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТ ҚИЛДИЛАР

29 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин билан телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.

Сўхбат аввалида давлат раҳбарлари бўлажак муҳим саналар муносабати билан бир-бирини самимий табриқлаб, эзгу тилақлар билдирдилар. Жорий йилда ХХРда Хитой Коммунистик партияси ташкил топганининг 100 йиллиғи, мамлакатимизда эса Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 30 йиллиғи кенг нишонламоқда. Етакчилар дўст халқларимизга тинчлик, фаровонлик ва раванг тиладилар. Мулоқотда икки томонлама ва халқаро кун тартибининг долзарб масалалари муҳокама қилинди. Кейинги йилларда Ўзбекистон — Хитой дўстлик ва хар томонлама стратегик шериклик муносабатларида юксак даражаға эришилгани, мамлакатларимиз ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлик жадал ривожланиб бораётгани катта мамнуният билан қайд этилди.

ХХР Раиси Ўзбекистонда аҳоли турмуш даражаси ва сифатини юксалтиришға қаратилган иқтисодий-иқтисодий ислохотлар ва янгиланишларни юқори баҳолади ва уларни қўллаб-қувватлашни билдирди. Камбағалликка қарши курашиш бўйича Хитойда тўпланган катта тажрибадан чуқур ўргануш масаласида яқиндан ҳамкорликни давом эттиришға келишиб олинди. Давлатимиз раҳбари корона-вирус пандемиясига қарши курашда қўрсатилган амалий ёрдам учун ХХР етакчисига самимий миннатдорлик билдирди. Ўзбекистон ва Хитойнинг вақолатли идора ва ташкилотлари соғлиқни сақлаш соҳасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни мустаҳкамлаб, аҳолини оммавий эмлаш бўйича биргаликдаги самарали ишларни кенгайтирадидилар.

Ўзбекистон Президенти "Ягона Хитой" сиёсатини ҳамда "уч ёвуз куч" — терроризм, экстремизм ва сепаратизмға қарши курашиш борасидаги саъй-ҳаракатларни доимо қўллаб-қувватлашни яна бир бор таъкидлади. "Бир макон, бир йўл" ташаббуси доирасидаги самарали мулоқот, шу жумладан, минтақада муҳим инфратузилмавий лойиҳаларни, улар қаторида ХХР — Қирғизистон — Ўзбекистон автомобиль ва темир йўлларини қўриш лойиҳасини илгари суриш ишлари давом этаётгани қайд этилди. Ўзбекистоннинг Марказий ва Жанубий Осиё ўзаро боғлиқлигини мустаҳкамлаш бўйича тақдир қўллаб-қувватланди. Етакчилар савдо-иқтисодий, инвестициявий ва молиявий ҳамкорликни кенгайтириш масалаларига алоҳида тўхтайдилар. Мураккаб шароитларға қарамастан, пандемиянинг салбий оқибатларини қамайтириш ва жорий йил бошидан ўзаро савдонинг 33 фоизға ўсишини таъминлашға эришилгани таъкидланди. Муҳим қўшма дастур ва лойиҳаларни амалға ошириш давом этмоқда. Мамлакатлари-

миз яқин йилларда товар айирбошлаш ҳажмини 10 миллиард долларға етказиш, шунингдек, экспорт ва импорт курсаткичларининг мутаносиблигини таъминлаш сари муваффақиятли ҳаракат қилмоқдалар. Ўзбекистон Шанхай шаҳрида ўтказилган навбатдаги Импорт махсулотлари Хитой халқаро кўргазмасида фаол иштирок этади. Давлат раҳбарлари Ўзбекистон ва Хитой етакчи корхоналарининг турли тармоқлардаги кооперациясини кўчатириш, шунингдек, иқтисодийнинг юқори технолоқик тармоқларидаги лойиҳаларни илгари суришда ўзаро кўмаклашиш зарурлигини қайд этдилар. Кенг қўламли савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорлик бўйича ўрта муддатли қўшма дастурни тайёрлаш ва қабул қилиш юзасидан келишувға эришилди.

Мамлакатимиз етакчи банк-молия институтларининг Хитой Давлат тараққиёт банки ва Эксимбанки, Ипак йўли фонди билан ҳамда халқаро молиявий ташкилотлар доирасидаги шериклигининг бугунги даражаси юксак баҳоланди. Етакчилар Ўзбекистон — Хитой ҳукуматлараро қўмитаси фаолиятини кўчатириш ва яқин фурсатда унинг навбатдаги мажлисини ўтказиш топишини бердилар.

Давлатимиз раҳбари алоқаларини давом эттириш, икки мамлакат ҳудудлари ўртасидаги фаол алмашмуволяни қайта тиклаш, маданий-гуманитар соҳадаги ҳамкорлик дастурларини кенгайтиришға алоҳида эътибор қаратилди. Сўхбат чоғида халқаро ва минтақавий аҳамиятға молик масалалар, шу жумладан, "Хитой — Марказий Осиё" форматидаги ҳамкорлик юзасидан ҳам фикр алмашилди. Шанхай ҳамкорлик ташкилоти доирасидаги кўп томонлама муносабатлар ва амалий ҳамкорликни кенгайтириш, мамлакатимизда ушбу ташкилотнинг саммитини ўтказиш масалалари муҳокама қилинди. ШХТ Мулоқот гуруҳининг Афғонистондаги тинчлик жараёниға кўмаклашиш ва ушбу мамлакатни иқтисодий тиклашдаги муҳим ўрни қайд этилди.

Етакчилар бўлажак олий даражадаги тадбирлар режасини кўриб чиқдилар ҳамда режадаги ХХР Раисининг Ўзбекистон Республикасига ташрифига кенг қўламли ҳамкорликни ривожлантириш, кўп асрлик мустаҳкам дўстлик ришталари ва хар томонлама стратегик шериклик муносабатларини мустаҳкамлашда муҳим тарихий аҳамият касб этайдиган воқеа сифатида пухта тайёрларли кўриш муҳим эканини қайд этдилар.

Ўзбекистон Президенти ва ХХР Раисининг телефон орқали мулоқоти хар доимгидек, очик, дўстона ва ўзаро ишонч руҳида ўтди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимча киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2021 йил 29 январда қабул қилинган Сенат томонидан 2021 йил 23 апрелда маъқулланган 1-модда. 1993 йил 7 майда қабул қилинган 863-ХII-сонли Ўзбекистон Республикасининг Хаво кодексига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 6, 247-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 3, 38-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2008 йил, № 7, 350-модда; 2012 йил, № 9/2, 246-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда; 2014 йил, № 5, 130-модда; № 9, 244-модда, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 6, 228-модда; 2017 йил, № 4, 137-модда; 2019 йил, № 2, 47-модда, № 5, 267-модда) қуйидаги қўшимча ва ўзгартишлар киритилсин: 1) 39-модда: қуйидаги мазмундаги бешинчи қисм билан тўлдирилсин: «Экспериментал хаво кемаларини ҳисобға олиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади»;

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Аҳолини айрим турдаги озиқ-овқат махсулотлари билан таъминлашға доир чоралар тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2021 йил 23 апрелда қабул қилинган Сенат томонидан 2021 йил 24 апрелда маъқулланган Мазкур Қонун глобал коронавирус пандемияси давом этаётган даврда республика аҳолисининг айрим турдаги озиқ-овқат махсулотларига бўлган эҳтиёжларини қанолатли таъминлаш ҳамда нарх-наволар асосиз ўсиб кетишиға йўл қўймаслик мақсадида қабул қилинмоқда.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ХАЛҚАРО ЗАРДЎЗЛИК ВА ЗАРГАРЛИК ФЕСТИВАЛИНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Халқ амалий санъатининг зардўзлик ва заргарлик аъёнларини ривожлантириш, уларнинг нобъ намуналарини тарғиб этиш, шунингдек, ушбу йўналишларда ўзаро таъриб-алмашуви орқали халқлар ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик ришталарини янада мустаҳкамлаш, маданий-гуманитар алоқаларни кўчатириш, авлоддан-авлодға ўтиб келаётган касбий аъёнлар ва хунармандчилик мактабларини сақлаш ва қайта тиклаш ҳамда минтақанинг туризм салоҳиятини янада ошириш мақсадида: 1. 2022 йилдан бошлаб хар икки йилда май ойида Бухоро шаҳрида Халқаро зардўзлик ва заргарлик фестивали (кейинги ўринларда — Фестиваль) ҳамда унинг доирасида илмий-амалий конференция, қўриқ-танлов, тақдимот ва кўргазмалар, театрлашган концерт-томоша

дастурлари, маданий-маърифий ва тарғибот-ташвиқот тадбирлари ўтказилсин. Бунда: 2022 йилда Фестиваль 21 — 25 май кунлари ва унинг доирасида «Аъёнларнинг зардўзлик ва заргарлик санъатини ривожлантириш иштиқболлари» мавзусида илмий-амалий конференция ташкил этилади; Фестивальға уйғун ҳолда Тошкент шаҳрида хоржий мамлакатларнинг заргарлик тармоғи вакиллари, хоржий инвесторлар, экспортлар ва мутахассисларни жалб этган ҳолда «Uzbek Jewellery Fair» заргарлик саноатининг замонавий асбоб-ускуналари, технологиялари ва буюмларининг йиллик халқаро кўргазма-савдоси ўтказилсин; 2. Қуйидагилар Фестивалнинг асосий вазифалари этиб белгилансин: миллий хунармандчиликнинг зардўзлик ва

заргарлик соҳасида фаолият юритаётган ва соҳа ривожига улкан ҳисса қўшаётган таърибали, истеъдодли хунармандларни аниқлаш, маънавий ва моддий рағбатлантириш, унинг нобъ ва йўқолиб бораётган намуналарини сақлаш, қайта тиклаш; худудларда зардўзлик ва заргарликни жадал ривожлантириш, илғор таърибларни оммалаштириш, ёшларға ўргатиш, янги иш ўринлари яратиш; зардўзлик ва заргарлик намуналарини миллий бренд сифатида халқаро миқёсда олиб чиқиш, халқимизнинг миллий маданияти аъёнларини намойиш этиш орқали сайёҳларни жалб қилиш, Фестивални жадон миқёсда кенг танитиш ва тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш;

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

БОКСНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда ёшларнинг боксга бўлган оммавий қизиқишини инобатға олиб, иқтидорли спортчиларни аниқлаш, танлаш ва саралаш (селекция) тизимини янада такомиллаштириш, соҳа мутахассисларини тайёрлаш ва уларнинг моддий рағбатлантирилишини яқшилаш, шунингдек, ўзбек боксининг дунёдаги етакчилигини сақлаб қолиш ва давом эттириш мақсадида: 1. Қуйидагилар боксини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари этиб белгилансин: боксини аҳоли ўртасида энг оммавий спорт турларидан бириға айлантириш, иқтидорли спортчиларни аниқлаш, танлаш ва саралаш (селекция) ҳамда уларни профессионал спортчилар сифатида тайёрлашнинг янги тизимини йўлга қўйиш; бокс инфратузилмасини янада ривожлантириш ҳамда халқаро талабларға мослаштириш, бокс мактабларини, шу жумла-

дан, давлат-хусусий шериклик шартлари асосида қўлайтириш; бокс бўйича профессионал тренерлар ва ҳакамларни тайёрлаш тизимини ривожлантириш, ўқув-услубий қўлланмалар ишлаб чиқиш, илмий-методолоқик базани янада кўчатириш; Қуролли Кучлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг жисмоний тайёрларли машгулотларига боксини боксчи-ма-боксчи киритиш; ўзбек боксининг дунёдаги етакчилигини сақлаб қолиш ва давом эттириш юзасидан зарур чораларни қўриш; аёллар боксини ривожлантириш юзасидан узок йилларға мўлжалланган иштиқболли режаларни ишлаб чиқиш ва амалға ошириш; спорт таълим муассасаларида бокс бўйича давлат буюртмаси параметрларини ошириш; 2. Туризм ва спорт вазирлиғи, Иқтисо-

дий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиғи, Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси, Ўзбекистон бокс федерацияси ҳамда Андижон, Бухоро, Қашқадарё ва Тошкент вилоятлари ҳокимликларининг дастлаб Андижон вилояти (Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари), Бухоро вилояти (Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Навоий ва Хоразм вилоятлари), Қашқадарё вилояти (Жиззах, Қашқадарё, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятлари) ҳамда Тошкент вилоятларида (Сирдарё ва Тошкент вилоятлари, Тошкент шаҳри) Туризм ва спорт вазирлиғи ҳузурда бокс бўйича олий спорт маҳорати мактабларини (кейинги ўринларда — бокс мактаблари) давлат муассасаси сифатида ташкил этиш тўғрисидаги тақлифига розилик берилсин.

(Давоми 2, 3-бетларда).

Халқ билан юзма-юз

МАҲАЛЛАБАЙ ИШЛАШДА ФАРҒОНА ТАЖРИБАСИ ҚАНДАЙ САМАРА БЕРМОҚДА?

Президентимиз ташаббуси билан ҳаётта таътиб қилинган ва Фарғона таърибаси сифатида эътироф этилаётган маҳаллабай ишлаш тизими бўйича ўтган қисқа вақт мобайнида аниқ натижаларға эришилди. Ҳўш, Фарғонада ушбу тизим асосида иш юритиш қандай самара бермоқда?

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева аҳоли билан юзма-юз мулоқот қилиш, «темир дафтари», «аёллар дафтари», «ёшлар дафтари»га киритилган оилалар билан секторлар кесимида маҳаллабай тизими асосида олиб борилаётган ишлар билан яқиндан танишиш мақсадида Фарғона вилоятининг Кўштепа ва Тошлоқ туманларида бўлди.

Сенат Раиси Кўштепа туманининг "Истикбол" маҳалла фуқаролар йиғинида маҳаллабай ўрганишлар жараёнида аниқланган муаммо ва масалалар юзасидан хотин-қизларни тиббий қўриқдан ўтказиш, моддий ҳамда маънавий кўмак бериш, бандлигини таъминлаш, томоққанд самарали фойдаланиш борасида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар билан танишди.

3

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимча киритиш тўғрисида

◄ (Давоми. Бошланishi 1-бетда).

бешинчи, олтинчи ва еттинчи қисмлари тегишинча **олтинчи, еттинчи ва саккизинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;
2) **67-модда** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«67-модда. Аҳоли манзилгоҳлари устида парвоз қилиш

Ҳаво кемаларининг аҳоли манзилгоҳлари устидаги парвози ердаги одамларнинг ҳаёти ҳамда соғлиғига ва (ёки) уларнинг мол-мулкига ҳавф солмаган ҳолда белгиланган йўналишлар ва учиш баландиликларида амалга оширилади.
Ҳаво кемасида носозлик рўй берган тақдирда ёки одамлар ҳаётини қутқариш учун парвозлар қилиш зарур бўлганда белгиланган йўналиш ва учиш баландилигидан четга чиқишга йўл қўйилади.
Алоҳида ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра ҳаво кемаларининг белгиланган йўналиш ва учиш баландилигидан четга чиққан ҳолда аҳоли манзилгоҳлари устида парвоз қилишига йўл қўйилади.
Ҳаво кемаларининг аҳоли манзилгоҳлари устидаги кўргазмали уччилари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг рўхсати билан амалга оширилиши мумкин»;
3) 86-модданинг: иккинчи қисмидаги «Авиация маъмурияти» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;
учинчи қисмидаги «Авиация маъмурияти» деган сўзлар «Транспорт вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;
4) 96 ва 97-моддалар чиқариб ташлансин.

2-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1993 йил 7 майда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг Ҳаво кодексини амалга киритиш тартиби тўғрисида»**ги 864–XII-сонли Қарори (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 6, 248-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 йил, № 5–6, 153-модда) **2-бандининг учинчи хатбошиси** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикасининг Ҳаво кодексида баён этилган Авиация маъмуриятининг вазифаларини Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Фўқаро авиацияси агентлиги зиммасига юқласин.»

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5–6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4–5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5,124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда, № 7–8, 217-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда, № 9–10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9–10, 149-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар; № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда,

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Аҳолини айрим турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашга доир чоралар тўғрисида

◄ (Давоми. Бошланishi 1-бетда).

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 30 декабрда қабул қилинган ЎРҚ–599-сонли Қонуни билан янги тахрирда тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, 12-сонга 1-илова; 2020 йил, № 3, 198-модда, № 10, 593-модда, № 11, 652-модда, № 12, 690, 691-моддалар; 2021 йил, № 1, 6-модда) **483-моддаси** қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«2021 йил 1 майдан 31 декабра қадар бўлган даврда қуйидагилар қўшилган қўймақ солигидан озод қилинади:
Ўзбекистон Республикаси ҳудудига ўсимлик ёғи, кунгабоқар ва зигир уруғи, шунингдек соя данагини олиб кириш;
ўсимлик ёғини (пахта ёғидан ташқари) ишлаб чиқариш ва (ёки) реализация қилиш бўйича айланма.»

4-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳамаси:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

БОКСНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

◄ (Давоми. Бошланishi 1-бетда).

3. Белгилаб қўйилсинки, бокс мактабларида:
фаолянт иктидорли ёш спортчиларни танлаб олиш ва уларни асосан миллий **терма жамоаларга тайёрлашга йўналтирилади**;
ўқиш 7-синфдан ташкил этилади, таълим олиш муддати **5 йил этиб белгиланади**;
ўқувчиларга бепул таълим олиш, олимпия захиралари коллежаларининг ўқувчилари учун бир кунлик озиқ-овқат меъёрларига мувофиқ озиқ-овқат билан таъминлашни ҳамда ўқувчилар тураржойида бепул яшаш ҳуқуқи берилади;
раҳбарлар, тренералар, спортчилар ва бошқа ходимларга **ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаб-интернатлари учун белгиланган** меҳнатга ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш шартлари татбиқ этилади.
4. Қуйидагилар бокс мактаблари фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:
Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари манбалари;
жисмоний ва юридик шахсларнинг хомийлик хайриялари;
халқаро ва чет эл ташкилотларининг грантлари;
конунчилик ҳужжатлари билан таққиланмаган бошқа манбалар.
5. Бокс мактабларини қуриш ва жиҳозлаш бўйича:
бюртмачи этиб — Туризм ва спорт вазирлиги ҳузуридаги «Спорт объектлари инфратузилмасини ривожлантириш бўйича инжиниринг компанияси» давлат унитар корхонаси;
бош лойиҳачи этиб — «ТошўйжайЛИТИ» акциядорлик жамияти белгилансин;
бош пудратчи ташкилот белгиланган тартибда танлов (тендер) савдолари орқали аниқлансин.
6. Қуйидагилар:
Боксни 2025 йилгача ривожлантириш концепцияси (кейинги ўринларда — Концепция) 1-иловага мувофиқ;
Боксни 2025 йилгача ривожлантириш концепциясини 2021-2022 йилларда амалга ошириш бўйича «Йўл харитаси» (кейинги ўринларда — «Йўл харитаси») 2-иловага мувофиқ;
Боксни 2025 йилгача ривожлантириш концепциясининг мақсадли кўрсаткичлари 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.
7. Белгилансинки:
а) Концепция эришилган натижалар, мақсадли кўрсаткичлар

№ 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4, 5-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 430, 431, 432-моддалар, № 10, 671, 673, 679-моддалар; 2019 йил, № 1, 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161, 165, 166-моддалар, № 5, 259, 261, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469, 471-моддалар, № 9, 591, 592-моддалар, № 10, 674, 676-моддалар, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 891-моддалар; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 203, 204-моддалар, № 7, 449-модда, № 9, 539, 540-моддалар, № 10, 593, 596-моддалар, № 11, 651-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 5, 7, 12, 13, 14-моддалар, № 2, 142-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **54-модда иккинчи қисмининг санкцияси** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Фўқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма баравари, мансабдор шахсларга эса – ўттиз баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади»;
2) **123-модданинг санкциясидаги** «бешдан бир қисмидан бир бараваригача миқдорда» деган сўзлар «иккидан бир қисми миқдорида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **128-модданинг: биринчи қисми санкциясидаги** «уч» деган сўз «икки» деган сўз билан алмаштирилсин;

иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмлари чиқариб ташлансин;
4) **137-модданинг матни** куйидаги тахрирда баён этилсин:
«Йўл-транспорт ҳодисаси қатнашчиларининг белгиланган қоидаларни бузган ҳолда ҳодиса юз берган жойдан кетиб қолши, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн беш баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Йўл-транспорт ҳодисаси қатнашчиларининг белгиланган қоидаларни бузган ҳолда ҳодиса юз берган жойдан кетиб қолши, агар ушбу йўл-транспорт ҳодисаси жабрланувчига енгил тан жароҳати ёки айна миқдорда моддий зарар етказилишига олиб келган бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг ўттиз баравари миқдорида жарима солишга ёки транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан бир йил муддатга маҳрум этишга ёхуд ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади»;

5) **141-модданинг санкциясидаги** «икки бараваридан беш бараваригача миқдорда» деган сўзлар «икки баравари миқдорида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6) **147-модда биринчи қисмининг санкциясидаги** «бир бараваридан уч бараваригача миқдорда» деган сўзлар «икки баравари миқдорида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

7) **245-модданинг: биринчи қисмидаги** «90¹-моддасида, 91¹-моддасининг тўртинчи қисмида, 94, 99, 100, 101 (умумий фойдаланишдаги иссиқлик тармоқлари ва иссиқлик энергиясини ҳисобга олиш асбобларига оид қисмида), 102, 103, 104, 105, 106, 107, 108, 110, 111-моддаларида» деган сўзлар «90¹-моддасида, 91¹-моддасининг тўртинчи қисмида, 94, 99 (йўл қурилиш соҳасидаги қонунчиликни бузишга оид қисмида), 100, 101 (умумий фойдаланишдаги иссиқлик тармоқлари ва иссиқлик энергиясини ҳисобга олиш асбобларига оид қисмида), 102, 103, 104, 105, 106, 107, 108-моддаларида, 110-моддасининг биринчи (мансабдор шахсларга нисбатан) ва иккинчи қисмларида, 111-моддасининг иккинчи қисмида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи қисмидаги «283-моддасида» деган сўзлар «99 (қурилиш соҳасида назорат қилиш инспекциясига оид қисмида) ва 283-моддаларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

8) **248-модда: биринчи қисмидаги** «113-моддасининг биринчи, иккинчи, тўртинчи ва бешинчи қисмларида» деган сўзлар «110-моддасининг биринчи қисмида (фўқароларга нисбатан), 111-моддасининг биринчи қисмида, 113-моддасининг биринчи, иккинчи, тўртинчи ва бешинчи қисмларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;
иккинчи қисмининг 4-бандидаги «113-моддасининг биринчи,

иккинчи, тўртинчи ва бешинчи қисмларида» деган сўзлар «110-моддасининг биринчи қисмида (фўқароларга нисбатан), 111-моддасининг биринчи қисмида, 113-моддасининг биринчи, иккинчи, тўртинчи ва бешинчи қисмларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

9) **268²-модда** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«268²-модда. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги ҳузуридаги Қурилиш соҳасида назорат қилиш инспекцияси ва унинг ҳудудий инспекциялари

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги ҳузуридаги Қурилиш соҳасида назорат қилиш инспекциясига ва унинг ҳудудий инспекцияларига ушбу Кодекснинг 99-моддасида (йўл қурилиш соҳасидаги қонунчиликни бузиш бундан мустасно) назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар тааллуқлидир.

Ушбу Кодекснинг 99-моддасида (йўл қурилиш соҳасидаги қонунчиликни бузиш бундан мустасно) назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги ҳузуридаги Қурилиш соҳасида назорат қилиш инспекцияси ва унинг ҳудудий инспекциялари номидан жарима тарикасидаги маъмурий жазо чораларини қўллашга Қурилиш соҳасида назорат қилиш инспекциясининг бошлиғи, шунингдек ҳудудий инспекцияларнинг бошлиқлари ҳақлидир.

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги ҳузуридаги Қурилиш соҳасида назорат қилиш инспекциясининг ва унинг ҳудудий инспекцияларининг мансабдор шахслари ушбу Кодекснинг 178-моддасида (истеъмоличларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунчиликни бузишга доир қисмида) назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар аниқланганда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузади ва ушбу Кодекснинг 282-моддасида белгиланган тартибда судга кўриб чиқиш учун юборади».

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 25 майда қабул қилинган **«Экологик экспертиза тўғрисида»**ги 73–II-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 йил, № 5–6, 144-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг, Ахборотномаси, 2011 йил, № 1, 1-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда) **24-моддасининг матни** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Экологик аудит экологик аудиторлик ташкилоти томонидан ўтказиладиган экологик аудит субъектининг ҳўжалик фаолиятини ва бошқа фаолиятини техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар ҳамда атроф-муҳитни муҳофаза қилишга ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига ушбу субъектнинг риоя этиши юзасидан тизимли, ҳужжатлаштирилган, мустақил экологик баҳолашдир».

5-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:
ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;
давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин;
ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

6-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан қучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2021 йил 29 апрель
№ ЎРҚ—688

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

ХАЛҚАРО ЗАРДЎЗЛИК ВА ЗАРГАРЛИК ФЕСТИВАЛИНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

◄ (Давоми. Бошланishi 1-бетда).

зардўзлик ва заргарлик намуналарининг кенг тақдимоти, ҳар бир ҳудуднинг тарихи, ҳаёт тарзи, хунармандчилик мактаби аънаналарини ақс эттирувчи хунармандлар шаҳарчалари макетлари, уй-рўзгор буюмлари, хунарманд-дизайнерлар яратган маҳсулотлар кўргазмаларини ўтказиш;
халқ сайиллари, фольклор ва дорбозлик жамоалари, аскиячи ва қизикчиларнинг театрлашган томошалари, санъат вакилларининг концерт дастурларини ҳамда иста-хунармандлар томонидан маҳорат дарслари, рассомлар хиёбони, экскурсия маршрутларини ташкил этиш.

3. **Халқаро зардўзлик ва заргарлик фестивалига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ташкилий қўмита** (кейинги ўринларда — Ташкилий қўмита) таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ташкилий қўмитага (А.Н.Арипов):
Фестивални оқори ва бадий савияда ўтказиш, белгиланган вазифаларни ўз вақтида ва сифатли бажариш, бу борада масъул вазирлик, идора ва ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш;
Фестиваль совриндорларга топшириладиган диплом ва сертификатлар намуналарини тайёрлаш ҳамда тасдиқлаш;
Фестивални ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ бошқа масалаларни ҳал этиш вазифаларга юклансин.

4. Белгилансинки, Фестивалга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ харажатлар Ташкилий қўмита томонидан назарда чиқиладиган ва белгиланган тартибда тасдиқланадиган смета асосида қуйидаги тартибда:

Фестивалга тайёргарлик кўриш билан боғлиқ барча харажатлар Бўхоро вилояти маҳаллий бюджетининг қўшимча манбалари, юридик ва жисмоний шахсларнинг хомийлик хайриялари ҳамда қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан;
Фестивални ўтказиш билан боғлиқ харажатларнинг 50 фоизи — Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармаси маблаглари ҳисобидан, 50 фоизи — Бўхоро вилояти маҳаллий бюджетининг қўшимча манбалари, юридик ва жисмоний шахсларнинг хомийлик хайриялари ҳамда қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан қопланади.

5. Бўхоро вилояти ҳокимлиги (Б.К.Зарипов) Туризм ва спорт вазирлиги (А.А.Абдуҳакимов), Савдо-саноат палатаси (А.И.Икрамов), “Ўзбекзаргарсаноати” уюммаси (Д.Н.Саматов), “Хунарманд” уюммаси (У.Т.Абдуллаев) билан биргаликда у ой муддатда **Фестивални ўтказиш тартиби тўғрисидаги низоми**н ҳамда **2022 йилда уни ўтказиш бўйича «Йўл харитаси»**ни ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

6. Ташки ишлар вазирлиги (А.Х.Камиллов):
хорижий давлатлардан зардўзлик ва заргарлик фаолияти билан шуғулланувчи ташкилотлар, маҳоратли хунармандлар, амалий санъат усталари, соҳа олимлари ҳамда мутахассислари, фахрий меҳмонларни Фестивалга таклиф этишда ташкилотчиларга амалий ёрдам кўрсатсин;

Савдо-саноат палатаси, “Хунарманд” уюммаси ва “Ўзбекзаргарсаноати” уюмчасининг виза талабномаларига биноан Фестивалнинг хорижий иштирокчилари учун кириш визалари консуллик йиғимлари ва ҳақиқий харажатларнинг ўрнини қоплаш ҳисобидан йиғимлар ундирилмасдан расмийлаштирилишини таъминласин.

7. Маданият вазирлиги (О.А.Назарбеков) Савдо-саноат палатаси (А.И.Икрамов), “Хунарманд” уюммаси (У.Т.Абдуллаев), “Ўзбекзаргарсаноати” уюммаси (Д.Н.Саматов) ва Ўзбекистон Ёзувчилар уюммаси (С.С.Саидов) билан биргаликда Фестивалнинг тантанали очилиш маросимини ҳар томонлама пухта ва бадий жиҳатдан бетақор усулда тайёрлаш учун юқсак профессионал маҳорат ва тажрибага эга бўлган сценарийнавис ва режиссёрлар, ёзувчи ва шоирлар, хунармандлар, саҳналаштирувчи рассомлар, истеъдодли санъаткорларнинг кенг жалб этилишини таъминласин.

8. Бўхоро вилояти ҳокимлиги (Б.К.Зарипов):
а) Бўхоро шаҳрида кенг кўламли ободонлаштириш ва кўқаламзорлаштириш ишлари амалга оширилишини, Фестиваль ўтказиладиган саҳна майдонлари ҳамда жойларнинг талаб даражасида тайёрланишини;

б) Савдо-саноат палатаси, “Хунарманд” уюммаси, “Ўзбекзаргарсаноати” уюмчасини ва спорт вазирлиги, Маданият вазирлиги, Ташки ишлар вазирлиги, Кинематография агентлиги ва Ўзбекистон Бадийи ҳақими академияси билан биргаликда:
Фестиваль доирасида Бўхоро шаҳридаги “Лаби ҳовуз” ансамбли майдонинда “Арк” кўргони ҳудудидаги бўлган ён-атрофда зардўзлик ва заргарлик санъатига оид турли кўргазмалар, хунармандчилик буюмлари, тасвири ва амалий санъат асарлари, қадимий зардўзлик ҳамда заргарлик дастгоҳлари ва маҳсулотларини яратиш жараёнини, хунармандчиликка оид бадий, ҳужжатли фильмлар, китоблар, альбомлар, фотосуратлар намойиши, уларнинг сотуви ташкил этилишини;

Фестиваль дастури ишлаб чиқилишини ва унинг уч ой аввал туристик ташкилотларга тақдимд этилишини, интернет ва ижтимоий тармоқларда жойлаштирилишини;

Фестиваль доирасида миллий либослар кўргазмали чиқишлари, театрлаштирилган томошалар, аския ва қизқчилар, фольклор ва дорбозлик жамоаларининг томоша дастурлари намойиш этилишини;

Фестивалнинг туризм календарь режасига киритилишини ҳамда хорижий меҳмонлар ва сайёҳларнинг Фестивалга жалб қилинишини;

в) Туризм ва спорт вазирлиги, Савдо-саноат палатаси билан биргаликда Фестиваль қатнашчилари ва меҳмонлар учун меҳмонхоналардан жой ажратилишини;

г) Маданият вазирлиги, Ташки ишлар вазирлиги, ЮНЕСКО ишлари бўйича миллий комиссия, “Хунарманд” уюммаси, “Ўзбекзаргарсаноати” уюммаси билан биргаликда 2023 йил якунига қадар малакали мутахассис ва халқаро экспертлари жалб этган ҳолда:

миллий хунармандчиликнинг зардўзлик ва заргарлик йўналишларини **ЮНЕСКОнинг номоддий маданий мерос рўйхати**га;

Бўхоро шаҳрини **ЮНЕСКОнинг Иходкор шаҳарлар тармоғига</**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

БОКСНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланғич 1, 2-бетларда).

13. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги Туризм ва спорт вазирлиги билан биргаликда 2022-2023 йиллардаги инвестиция дастурларини шакллантиришда ишлаб чиқилган лойиҳа-смета ҳужжатларига асосан бокс бўйича миллий терма жамоалар учун ўқув-машғулотлар базасини ва бокс мактабларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш ишлари учун марказлашган капитал қўйилмалар лимитлари ажратилишини таъминласин.

пули билан боғлиқ сарф-харажатларни қоплаш Давлат бюджетининг 2022 ва 2023 йиллардаги параметрларида кўзда тутилган маблағлар доирасида босқичма-босқич 18 ой давомида, лекин 2023 йил 1 майга бугун бўлган даврда амалга оширилади; жаҳон чемпионатини ўтказиш билан боғлиқ бўлган сарф-харажатлар ҳомиёлар ва Ўзбекистон бокс федерацияси томонидан қўлланади, олинмаган фойда Ўзбекистон бокс федерацияси тасарруфидо қилиб, боксини янада ривожлантиришга ва федерация фаолиятини молиялаштиришга йўналтирилади.

2021 йил Давлат бюджетига Туризм ва спорт вазирлиги учун кўзда тутилган маблағлар доирасида, 2022 йилдан бошлаб эса Давлат бюджети параметрларида назарда тутилган таъминласин. 18. Мазкур қарорнинг ижроси куйидаги тартибда амалга оширилсин: Бош вазир ўринбосари — туризм ва спорт вазири А.А.Абдуҳақимов — мазкур қарор ижросини сифатли, тўлиқ ва ўз вақтида таъминласин, белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан масъул вазирлик, идора ва ташкилотлар фаолиятини самарали ташкил қилсин ҳамда мувофиқлаштирсин, ҳар ойда тегишли раҳбарларнинг бажарилиши ишлар тўғрисидаги ҳисоботларини қабул қилсин ҳамда аниқланган камчиликларни ўз вақтида бартараф этсин; туризм ва спорт вазири ўринбосари А.Қ.Каримов — Концепциянинг максимал қўрсаткичларига эришиш, Концепция ва "Йўл харитаси"ни ижро этиш юзасидан барча зарур чоралар қўрилишини таъминласин, мазкур қарорда белгиланган вазифаларни ўз вақтида ва сифатли амалга оширишда масъул ташкилотларга ҳушёрлик ва амалий ёрдам кўрсатсин ҳамда унинг ижроси бўйича қарор оид Вазирлар Маҳкамасига ахборот киритиб бориш; масъул вазирлик, идора ва ташкилотлар раҳбарлари — Концепция ва "Йўл харитаси"да назарда тутилган тадбирларни ўз

вақтида, сифатли ва тўлиқ бажариш юзасидан барча чораларни амалга оширсин; Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги бош директори А.К.Кўчумов ҳамда Ўзбекистон Миллий телерадиокорпорацияси раиси А.Д.Ҳаджаев — мазкур қарорнинг мазмун-моҳияти ва амалий аҳамиятини ёритишга оид мақолалар, брифинглар, тематик телекўрсатувлар ташкил этсин. 19. Туризм ва спорт вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой мuddатда қўнчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин. 20. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А.Абдуҳақимов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — туризм ва спорт вазири А.А.Абдуҳақимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2021 йил 29 апрель

МАҲАЛЛАБАЙ ИШЛАШДА ФАРҒОНА ТАЖРИБАСИ ҚАНДАЙ САМАРА БЕРМОҚДА?

Саодатхон Умарова, Матлубахон Мирзаева ва Мамураҳон Турғунова хондонларида бўлиб, ушбу оилалар аъзолари билан суҳбатлашди. Таъкидлаш жоизки, "аёллар дафтари" рўйхатидан чиқариш учун бу оилаларга маҳаллий ҳокимлик томонидан субсидия ажратилиб, иссиқхоналар қуриб берилди. Айни пайтда хондон томорқасидagi иссиқхоналарда булғор қалампир, бодринг, помидор ҳосилга кирган. Ўз навбатида, мазкур оилаларга карантин даврида "Саховат ва кўмак" жамғармаси орқали моддий ҳамда маънавий кўмак кўрсатилди, уй-joy-лари таъмирлаб берилди.

келиб одамлар билан мулоқот қилиш, муаммоларини ўрганиш орқали ҳар бир инсонни ҳаётдан рози бўлиб яшашини таъминлашди. Маҳаллабай ўрганишлар жараёнида Эшонгузар маҳалласида яшовчи Муножатхон Бокиева 4 нафар фарзанди билан уй-joyига муҳтож, эҳтиёжманд оила сифатида қайд этилган эди. Туман ҳокимлигининг қўлаб-қувватлаши тўғрисида фойдаланилмай келган нотураҳай биноси тадбиркор томонидан қайта реконструкция қилиниб, ўйлаб муҳтож ва кўп болали оилаларга ажратиб берилди. Сенат Раиси "аёллар дафтари" рўйхатида бўлган уч нафар опа-сингилимизга янги уйлارнинг калитини тантанали равишда тақдим этди. Бугунги кунда Қўштепа туманида ҳам ёшларнинг бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, "Абдулхамид Абдурашид фойди" МЧЖ тасарруфидоги ёшлар кооперациясида "ёшлар дафтари"га киритилган 24 нафар йигит-қизга 30 сотихдан ер ажратиб берилган. Ҳозирги кунда бу ерга экилган қовун-тарвуз парвариши авжида. Парламент юқори палатаси Раиси

ёшлар кооперацияси аъзолари билан дала майдонининг ўзига учрашиб, орзу-мақсадлари билан қизқиди. Юрт истиқбол учун маънан ва жисмонан баркамол авлод зўр қанот эканлигини алоҳида таъкидлади. Навбатдаги манзил — Тошлоқ туманидаги учрашувлар шаҳарсозлик меъморчилиги аъзолари асосида қуриб битказилган Хунармандлар маркази фаолияти билан танишишдан бошланди. Маълумки, тошлоқликлар азалдан чорхунар бўлиб, хунармандчилик аъзолари қадри банд мерос сифатида авлоддан-авлодга ўттишини таъминлаб келмоқда. Шулардан бири — Гулзода Маматова 15 йиллик таърибига эга хунарманд. Бугун у марказда "Устоз — шоғирд"



яратилган марказда яқин истиқболда янги бизнес-лойиҳалар ҳаётига татиқ қилиниши натижасида қўшимча иш ўринлари ташкил этилади. Навбатдаги манзил — Заркент қишлоғи туманининг энг фойзали гўшаларидан бири бўлиб, кейинги йилларда хусусий ва кичик бизнес, оилавий тадбиркорлик, хунармандчилик жадал ривожланипти. Заркентликлар томорқадан фойдаланиш борасида ҳам жуда миришкор ҳисобланади. Ўтган йили Заркентда ўз фаолиятини бошлаган "MarTash spesodejda", "Savinov Mashhura Shod Dil" МЧЖларида юз нафардан зиёд хотин-қизлар иш билан таъминланган. Танзила Нурбоева қорхона фаолиятини кўздан кечириб, бу ерда ишловчи аёллар билан мулоқотда бўлди. Уларнинг тақлифини эшитди, орзу-ниятлари билан қизқиди. Шунингдек, 2-умумтаълим мактабида ўқитувчи ва ўқувчилар билан учрашув ҳам қизгин кечди. Халқ депутатлари Тошлоқ тумани Кенгаши депутатлари билан мулоқотда худудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, камбағалликни қисқартириш каби ҳаётий муаммо ва масалаларни ҳал этиш, айна жараёнда депутатлик ҳамда жамоатчилик назоратини қучайтириш лозимлиги таъкидланди. Ботир МАДИЁРОВ («Халқ сўзи»).

Парламент дипломатияси

«ЕВРОПА ИТТИФОҚИ — ЎЗБЕКИСТОН» ДЎСТЛИК ГУРУҲИ ТУЗИЛДИ

Европа парламентида ташкил этилган "Европа Иттифоқи — Ўзбекистон" дўстлик гуруҳининг расмий очилиш маросими кеча видеоконференция тарзида бўлиб ўтди.

Қайд этилганидек, янги тузилган "Европа Иттифоқи — Ўзбекистон" дўстлик гуруҳи сиёсий, ишбилармон доиралар, шунингдек, фуқаролик жамияти вакиллари ўртасида юқори даражадаги мулоқоти таъминлаш орқали Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи ўртасидаги алоқаларни янада яқинлаштиришда мустақил платформа бўлиб хизмат қилади. Дўстлик гуруҳи фаолияти маданият, таълим, илм-фан соҳаларида икки томонлама ҳамкорликни, шунингдек, фуқаролар ўртасидаги ҳақиқат илгари сурган ташаббуси доирасида жорий йил 24 июнь кунини Бухоро шаҳрида бўлиб ўтадиган "Барқарор ривожланиш мақсадлари"га эришишда парламентларо глобал ҳамкорлик мавзусидаги халқаро форумда, 12-13 август кунлари Тошкент шаҳрида ўтказилиши режалаштирилган. Ёшлар ҳуқуқлари бўйича бутунжаҳон конференциясида иштирок этишга тақлиф қилинди. Мулоқот чоғида "Ўзбекистон — Европа Иттифоқи" Парламент ҳамкорлик қўмитаси янги тузилган дўстлик гуруҳи билан биргаликда қўшма режалар ишлаб чиқишга, бу борадаги ҳамкорликка доим тайёрлиги билдирилди. «Халқ сўзи».

Қонунчилик палатаси қўмитасида

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси "Худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш мақсадида ажратилган Давлат бюджети маблағларининг тўғри ва самарали сарфланишини Жиззах вилоятида назорат-таҳлил тартибида ўрганиш аяқуларига бағишланган видеоконференцалоқа шаклида йиғилиш ўтказди.

ЖИЗЗАХДА БЮДЖЕТ МАБЛАҒЛАРИ НОТЎҒРИ САРФЛАНГАН

Тадбирда депутатлар, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Жиззах вилояти ҳокимлиги ҳамда бандлик бош бошқармаси раҳбарлари иштирок этди. Маълум қилинишича, ўрганишда асосий эътибор Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан субсидия ва грантлар ажратилиши ҳамда Жамоат ишлари жамғармаси маблағларининг максимал сарфланишига қаратилган. Мамалякатимиз аҳолисини ижтимоий ҳимоялашни қучайтириш, иссиқ фуқароларнинг бандлигини таъминлаш, касбга ўқитиш, уларга субсидия маблағларини ажратиб йўналтиришда Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси томонидан катта миқдорда маблағлар йўналтирилмоқда. Хусусан, 2020 йил давомида Жиззах вилоятининг 13 та туман (шаҳар)идан жами 49 минг 685 нафар иш билан банд бўлмаган фуқаро ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилиниб, уларга Жамоат ишлари жамғармаси ҳисобидан 36172,6 млн. сўм иш ҳақлари тўлаб берилган. Бундан ташқари, ижтимоий ҳимояга муҳтож ва кам таъминланган оилаларда истиқомат қилувчи иссиқ фуқароларга енгил типдаги иссиқхоналар қуриш, томорқасида экиш учун уруғ, қўчатлар ва сугориш воситаларини харид қилиш учун жами 2 минг 362 нафар иссиқ фуқарога 4227,5 млн. сўм миқдорда субсидия маблағлари ажратилган. Тадбирда қайд этилганидек, назорат-таҳлил давомида ишчи гуруҳи томонидан ижобий ишлар билан бирга айрим хато ва камчиликлар борлиги ҳам аниқланган. Хусусан, жамоат ишларига вақтинчалик жалб қилинган фуқароларга белгилангандан кўра ортиқча кунларга ҳақ тўланган, жамғарма маблағлари ҳисобидан олинган асосий воситалар, майда асбоб-ускуна ва анжомларни ижарага бериш талаблари ижроси амалга оширилмаган, фуқароларга ойлик иш ҳақи аванс шаклда берилмасдан, бир йўла ойлик иш ҳақи сифатида тўлаб берилиб, Меҳнат кодекси талаблари бузилган.

Шунингдек, "Аҳоли бандлиги тўғрисида"ги Қонунда енгил типдаги иссиқхона қуриш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 30 бараваригача субсидия ажратиб белгиланган бўлса-да, ўрганиш ўтказилган Янгибод ва Баҳмал туманлари Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари томонидан енгил типдаги иссиқхона қуриш учун фақатгина базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 баравари миқдорда субсидия маблағлари ажратиб келинган. Шу билан бирга, енгил конструкцияли иссиқхоналардан самарали фойдаланиш меҳнат инспекторлари томонидан назорат қилинмагани, жамоат ишларини мониторинг қилиш ҳақми ортган бўлса-да, лекин бу борада хали ҳам эски тартибда иш олиб борилаётганига халқ вакиллари тарафидан сабаб бўлди. Шу нуктага назардан, Вазирлар Маҳкамасининг "Давлат маблағлари ҳисобидан банд бўлмаган аҳолига берилаётган субсидия, грант, нафақа ва бошқа тўловларнинг мақсади ва самарали ишлатилишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорини айнан шундай ноқонуний ишларни, шунингдек, бюджет маблағларининг мақсади сарфланиши устидан мониторинг ҳамда назоратни таъминлашга, иссиқ шартномага имзо қўйган фуқароларнинг эътиборини янада оширишга хизмат қилиши эътироф этилди. Йиғилишда мазкур масала юзасидан тегишли ташкилотлар мутасаддиларининг ахборотлари эшитилди. Мунисон КАРИМОВА («Халқ сўзи»).

Ўзаро манфаатли масалалар юзасидан фикр алмашилди

Олий Мажлис Сенати Раисининг биринчи ўринбосари Соҳиб Сафоев Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси директори (ЕХТ ДИИХБ) Маттео Мекаччи бошчилигидаги делегацияси аъзолари билан учрашди.

Ҳамкорлик

Томонлар сўнги йилларда икки томонлама муносабатлар ва ўзаро мулоқот янги сифат даражасига кўтарилишини қайд этди. М. Мекаччи Ўзбекистондаги демократик ислохотларга юқори баҳо бериб, ҳамкорлик ва самарали алоқалар тобора фаоллашиб бораётганини таъкидлади. Мулоқот давомида халқаро стандартлар ва энг яхши хориж амалиёти асосида Ўзбекистонда сайлов тўғрисидаги миллий қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича олиб борилган ишлар ҳақида қисқа ахборот берилди. ЕХТ ДИИХБ директори жорий йил октябрь ойида бўлиб ўтадиган Президент сайловларига тайёргарлик қуриш ва ўтказиш жараёнида ўзаро ҳамкорлик қилишга тайёр эканини билдирди. М. Мекаччи сайлов жараёни демократик принциплар ва стандартларга мувофиқ ўтиши учун Ўзбекистонда сайлов тизимини янада такомиллаштириш масалаларига берилаётган эътиборни юқори баҳолади. Учрашувда икки томонлама ҳамкорликнинг барча йўналиши атрофича муҳокама қилинди. Ташриф давомида ЕХТ ДИИХБ экспертлари сиёсий партиялар, бир қатор давлат ва нодавлат ташкилотлари раҳбарлари, оммавий ахборот воситалари ҳамда Ўзбекистондаги халқаро ташкилотлар вакиллари билан ҳам учрашувлар ўтказди. «Халқ сўзи».

МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАР МУТАХАССИСЛАРИ УЧУН ЎҚУВЛАР

Шу йилнинг 28 апрель куни халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари котибиятлари фаолият самарадорлигини янада ошириш, янги тузилмалар ишини тўғри ташкил этишга кўмаклашиш мақсадида маҳаллий Кенгашлар котибиятлари мудирилари учун икки кунлик ўқув-семинар ташкил этилди.

Семинар

Машғулотлар Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатаси раҳбарияти, сенаторлар, депутатлар, шунингдек, Давлат бошқаруви академияси ҳамда олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари томонидан ўттиди. Таъкидланганидек, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари фаолиятини самарали ташкил этиш ва назорат функцияларини қучайтириш мақсадида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада, аввало, ҳуқуқий база яратилди. Хусусан, барча вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларида доимий асосда фаолият юритувчи котибиятлар ташкил этилди. Олий Мажлис Сенати Кенгашининг 2020 йил 11 декабрдаги қарори билан котибиятларнинг намунавий тузилмалари ҳамда низоми тасдиқланди. Халқ депутатлари вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳамда туман (шаҳар) Кенгашларининг тегишли қарорларига асосан 217 нафар котибият мудири ва 464 нафар мутахассис лари вазимга тайинланиб, ўз фаолиятини бошлади. Вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳамда туман (шаҳар) ҳокимликлари томонидан котибиятлар фаолияти учун алоҳида хизмат хоналари ажратилиб, зарур шарт-шароитлар яратилди ва керакли коммуникация воситалари ўрнатилди. Семинарда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисига йўллаган Мурожаатномасида

белгилаб берилган устувор вазифалар, унда вакилик органларининг ўрни ва роли, маҳаллий Кенгашлар ҳамда уларнинг котибиятлари олдига турган устувор вазифалар, маҳаллий Кенгаш сессияларини ташкил этиш ва Кенгаш қарорлари ижросини назорат қилиш, доимий комиссиялар фаолиятини самарали йўлга қўйиш борасида сўз юритилди. Қолаверса, қонун ҳужжатлари ижроси устидан назорат ўрнатиш ва янги қонун лойиҳалари юзасидан тақлифлар ишлаб чиқиш, сессияларда маҳаллий ижро ҳокимияти органларининг мансабдор шахслари ҳисоботларини эшитиш, оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқлар ҳамда блогерлар билан ҳамкорликда ишлаш, "темир дафтар", "аёллар дафтари" ва "ёшлар дафтари" ҳамда маҳаллабай, фуқароий ишлаш тизими устидан маҳаллий Кенгаш депутатларининг назоратини қучайтириш масалаларига ургу берилди. «Халқ сўзи».

Кодекс лойиҳаси — муҳокамада

ЕРГА ОИД МУНОСАБАТЛАРНИ ҚОНУНИЙ ТАРТИБГА СОЛИШДА МУҲИМ ЎЗГАРИШЛАР

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ер кодексининг янги таҳрирдаги лойиҳасини ишлаб чиқиш аяқуларига бағишланган тадбир ўтказилди. Видеоконференцалоқа шаклидаги ушбу тадбирда Қонунчилик палатасининг Спикери Н. Исмоилов раислигида Аграр ва сув ҳўжалиги масалалари қўмитаси аъзолари, Қишлоқ ҳўжалиги ва Адлия вазирликлрининг масъул ходимлари ҳамда Кадастр агентлиги раҳбарияти иштирок этди.

Амалдаги Ер кодекси 1998 йилда қабул қилинган бўлиб, ўтган давр мубоинида 20 дан ортиқ қўшимча ва ўзгаришлар киритилган, шунингдек, қўлаб қонуности ҳужжатларга ҳаволалар қилинган. Амалиётда ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофиза қилиш соҳасида ечимини кутаётган айрим масалалар ердан фойдаланувчиларнинг эътирозларига ҳам сабаб бўлмоқда. Шулардан келиб чиқиб, янги таҳрирдаги Ер кодекси лойиҳаси ишлаб чиқилди. Лойиҳа бўйича жами 130 дан ортиқ тақлиф ва мулоҳазалар билдирилди, уларнинг 100 га яқини лойиҳада ўз аксини топган. Тадбирда сўзга чиққан вазирлик ва идора раҳбарлари ҳамда депутатларнинг фикрлари асосида ушбу кодекс лойиҳаси Вазирлар Маҳкамасида ва белгиланган тартибда Қонунчилик палатасига киритилиши мақсадга мувофиқ, деб топилди.

Сўз — депутатларга

Зафар АБДИРИМОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Аграр ва сув ҳўжалиги масалалари қўмитаси аъзоси:

— Ер муносабатларини тартибга солишда ер ресурсларидан фойдаланиш ҳуқуқини гаровга қўйиш, ер ҳисобини юритиш, ер турларини бир турдан бошқасига ўтказиш билан боғлиқ масалаларнинг ҳуқуқий асослари мавжуд эмас. Мисол учун юртимизда жами 6 минг 140 гектарда 774 та жомавий бодорчилик ва узумчилик ширкатлари ташкил этилиб, шу ер участкаларида барпо қилинган 36 минг 107 та дала-ҳовли бино-иншоотларига кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш ҳамда ушбу бино-иншоотларда яшаб келаётган фуқароларни рўйхатга олиш билан боғлиқ муаммолар халқ этилмаганлигини қўришимиз мумкин. Ер кодексининг янги таҳрирда қабул қилиниши билан ерлардан оқилона ҳамда самарали фойдаланиши таъминлаш, ерларнинг ҳуқуқий ҳимояси таъминлаш, ерларнинг ҳуқуқий ҳимояси таъминлаш, ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни гаровга қўйиш, ҳуқуқ бўйича ворислик, ер участкаларини бериш (сотиш) ва уларни давлат ҳамда жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш тартиби ўз аксини топган. Зияда АШУРОВА («Халқ сўзи»).

Аъзамжон Тўлабоев, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Аграр ва сув ҳўжалиги масалалари қўмитаси аъзоси:

— Амалдаги кодексда йиғилмаган ортиқ ҳаволакчи нормалар мавжудлиги сабабли бугунги кунда кодекс "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги Қонун талабларига жавоб бермайди. Бундан ташқари, ерлардан белгиланган мақсадда, оқилона ва самарали фойдаланиши таъминлаш борасидаги ҳамда ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузилиши ҳолатларини ҳал этишда ваколатга эга давлат органларининг функциялари белгиланмаган. Қишлоқ ҳўжалиги кооперативлари (ширкат ҳўжаликлари) тугатилиш кетганига қарий 15 йил бўлишига қарамастан, амалдаги Ер кодексига кооперативларга (ширкат ҳўжаликлари) ер участкаларини ажратиб қўйиш ва қўшимча ҳуқуқга эга сакланиб қолинган. Янги таҳрирдаги Ер кодекси лойиҳасида юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларига бўлган ҳуқуқий мулк ҳуқуқи, унинг давлат томонидан ҳимоя қилиниши, ер участкасидан чекланган тарзда фойдаланиш ҳамда улар билан боғлиқ битимлар, шунингдек, ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни гаровга қўйиш, ҳуқуқ бўйича ворислик, ер участкаларини бериш (сотиш) ва уларни давлат ҳамда жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш тартиби ўз аксини топган.

ЭЪЛОНЛАР

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши (масофадан) тўғрисида хабарнома

Хўрматли «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ акциядорлари!

«Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ (Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 3-уй, корпоратив веб-сайт: www.uzpsb.uz, e-mail: info@uzpsb.uz), сизга 2021 йил 28 май кунини соат 11.00 да Тошкент вақти билан масофадан тўриб электрон овоз бериш хизмати http://evote.uz/ орқали банк акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишида қатнашишингиз мумкинлигини маълум қилади.

- ЙИГИЛИШ КҮН ТАРТИБИ:
1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган, «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ бошқаруви фаолияти самардорлигининг асосий кўрсаткичларини (КР) тасдиқлаш тўғрисида;
2. «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ бошқаруви фаолияти самардорлигининг асосий кўрсаткичларини (КР) тасдиқлаш тўғрисида;
3. «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБнинг корпоратив бошқаруви кодексини (янги таҳрир) тасдиқлаш тўғрисида;
4. «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБнинг 2021 — 2023 йилларда ривожланиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида. Акциядорлар умумий йиғилишининг 2019 йил 28 июндаги 01/2019-сонли йиғилиш баёни билан тасдиқланган «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБнинг 2019 — 2021 йиллар учун ривожланиш стратегиясини бекор қилиш тўғрисида;
5. Банк устав капиталига конвертация қилиш имконияти билан халқаро молия корпорациясининг кредит линиясини маъмул қилиш тўғрисида. (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 29 мартдаги 1611-сонли қарори икросси бўйича);
6. «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБнинг банк бошқаруви тўғрисидаги низома қиртилган ўзгартиришларини тасдиқлаш тўғрисида.
7. Акциядорларга навбатдан ташқари умумий йиғилиш ўтказилиши ҳақида хабардор қилиш учун реестрни шакллантириш санаси: 2021 йил 27 апрель.
8. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ҳақида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар реестри тузиладиган сана: 2021 йил 24 май.
9. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишига оид ҳужжатлар билан банкнинг www.uzpsb.uz корпоратив веб-сайти ва http://evote.uz/ орқали танишишингизни ёки info@uzpsb.uz электрон манзили орқали сўров юборишингиз мумкин.
Йиғилиш қатнашчиларини рўйхатга олиш интернет тизими орқали электрон овоз бериш хизматида (http://evote.uz/) фойдаланган ҳолда 2021 йил 28 май Тошкент вақти билан соат 10.00 да бошланиб, 11.00 да тўхтатилади.
Мурожаат учун телефонлар: 78-120-45-00, (IP:13-30) 94-711-13-75.

«Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банки акциядорлари диққатига!

Хўрматли акциядорлар!

«Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банки қузатув кенгаши акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши 2021 йил 21 май кунини, соат 11.00 да бошлаб, Тошкент шаҳри, Луттўй кўчаси, 14-уйда жойлашган «Микрокредитбанк» АТБ мажлислар залида ўтказилишини маълум қилади.

- Йиғилиш кун тартиби:
1. «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банки акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш;
2. «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банкнинг аффилиланган шахси билан тузиладиган битимни маъқуллаш;
3. «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банки устав капиталини қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан қўйиштириш ва қўшимча акцияларни чиқариш ҳақида қарор қабул қилиш;
4. «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банки томонидан қўшимча акциялар жойлаштирилишида банк акциядорларининг имтиёзли оlish ҳуқуқини қўйиштириш;
5. «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банки қўшимча чиқарилаётган акцияларнинг жойлаштириш тартиби ва муомаласига киритиш шартларини белгилаш;
6. «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банкнинг акциялар қўшимча чиқарилиши тўғрисидаги қарорини тасдиқлаш;
7. «Микрокредитбанк» АТБ қузатув кенгашининг 2021 йил 29 апрель кунги мажлиси қарорига асосан, акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишига иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар реестри 2021 йил 17 май кунги ҳолатига ҳамда умумий йиғилиш ўтказилиши ҳақида акциядорларга хабар қилиш учун акциядорлар реестри 2021 йил 29 апрель кунги ҳолатига тузилади.
Акциядорларни рўйхатга олиш 2021 йил 21 май кунини соат 10.00 дан 10.50 гача давом этади.
Акциядорлар умумий йиғилишида шахсини тасдиқловчи ҳужжат ва ёзма шаклда тузилган ишончнома асосида қатнашди, юридик шахс номидан берилган ишончнома қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда, jisмоний шахс номидан берилган ишончнома нотариал тасдиқланган бўлиши керак.
Акциядорларнинг умумий йиғилиши видеоконференцияда қатнашди, бу ҳақда қўшимча маълумот берилади.
Йиғилиш ўтказилиши бўйича қўшимча ахборот, унда қўрилган масалаларнинг ҳужжатлари билан юридаги манзилга ва қўйидаги телефон рақамларига мурожаат қилиш ҳамда банкнинг корпоратив веб-сайти (www.mikrokreditbank.uz) орқали танишиш мумкин.

Телефон: 71-202-99-99 (1192). Банк қузатув кенгаши.



Халқ сўзи Народное слово ТАНЛОВИГА

Адашганга ҳам имкон бор

Хато қилиш одам боласига хос. Ўз қилмишидан чин кўнгилдан пушаймон бўлганларга яна бир имкон бериш — халқимизга хос қадрият. Адашганларни кўксидан итариб, тавбаю таассуф қилишга имкон қилдирилмаган жамиятда эса бағрикенглик муҳитини шакллантириш имконсиз. Айниқса, гап аёл зоти ҳақида кетганда, уларга нисбатан мурасасиз муносабатни асло оқлаб бўлмайди.

Шу боис мамлакатимизда жиноят содир этган, аммо қилмишидан пушаймон бўлган аёлларни ўз оилалари бағрига қайтариш масаласига ҳам катта эътибор қаратилаётгани қувонарли.

Ўзбекистон қандай мамлакатга айланади?

Ўзбекистонда кейинги йилларда "гендер тенглиги", "оиладаги зўравонлик", "ҳимоя ордери" каби тушунчалар тез-тез қўллана бошлади. Уларнинг бир-бирига ўхшаш жиҳати шундаки, мазкур тушунчалар, асосан, қўйин ҳаётий вазиятга тушган, оилада зўравонликка учраган хотин-қизларга нисбатан қўлланилмоқда.

Юртимизда "гендер тенглиги" атамаси 2018 йилгача деярли ишлатилмас эди. Республиканинг на Жинойи, на Маъмурий ҳақворгарлик тўғрисидаги кодексларида, ҳатто "оилавий зўравонлик" деган тушунча ҳам бўлмаган. Айни пайтда Президентимиз 2018 йил 2 июлда имзолаган "Ижтимоий реалитация қилиш ва мослаштириш, шунингдек, оилавий-маънавий зўрлик ишлатишнинг олдини олиш тизимини тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорга мувофиқ, зўрлик ишлатишдан жабр кўрган шахсларни реалитация қилиш ва мослаштириш ҳамда ўз жонига қасд қилишининг олдини олиш Республика маркази ва Тошкент шаҳар реалитация ва мослаштириш марказлари ташкил этилди.

Нега? Уларда халқаро тажрибаларга таянган ҳолда зўрлик ишлатишдан жабр кўрган шахсларга ўз вақтида манзилли ёрдам кўрсатиш ва ҳимоя қилиш каби ишлар амалга оширилади. Шунингдек, жабр дийда аёллар учун шовишнинг руҳий, психотерапевтик, ҳуқуқий кўмак қўриштирилади. Ҳозир республика бўйича бундай реалитация марказлари сони 197 тага етган.

Ўз навбатида, давлатимиз раҳбари томонидан халқаро ва минтақавий даражада аёллар масалаларига доир қатор тақлиф ҳамда ташаббуслар илгари сурилмоқда. Хусусан, бу йил юртимизда Марказий Осиё мамлакатлари етакчи аёлларнинг мулоқоти ва хотин-қизларнинг минтақавий бизнес форумини ўтказиш белгиланди. Бу борадаги ишларни жаддалаштириш учун "2020 — 2030 йилларда Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегияси"ни қабул қилиш кўзда тутилган.

«Аёллар дафтари» бўйича маҳаллабай, хонадонбай ишлаш усули орқали ҳар бир маҳалла ва хонадон кесимида уларнинг муаммоларини ижобий ҳал этиш биринчи даражали вазифалардан бирига айланган.

Йўналтирилади. Бундан ташқари, бокучисини йўқотган ҳамда ўзгалар параваршига муҳтож хотин-қизларга моддий ёрдам бериш ва малакали тиббий ёрдамга эҳтиёжи бор аёлларни даволаш учун қўшимча равишда 110 миллиард сўм берилади.

Шу билан бирга, аёллар бандлигини таъминлаш, уларни касб-ҳунарга ўқитиш, тадбиркорлик соҳасидаги ташаббусларини қўллаб-қувватлаш учун бюджетдан қўшимча равишда 600 миллиард сўм ажратилади.

«Яхши одамларнинг борлигига шукр, уларнинг кўмағига оиламиз тикланади», — дейди Қарши туманидаги «Қовчин» МФЙда яшовчи Зубайда Аралова. — Биз ҳам энди тинч-тоқ ва ҳамжизамликда турмуш кечириётган оилалар сифида тилга олина болаёлик. Эл-улуснинг, кўни-кўшиларнинг бизга ҳавас билан қарашларидан дилми яйраб кетамди. Маҳалламизда «аёллар дафтари»да қайд этилган оилалардан бириман. Тўғри, бизга микроқўшимчи печь ва моддий ёрдам беришди, мени жамоатчилик бўйича ишга қабул қилишди. Турмуш уртюғини Сирожиддин Чориев фермер хўжалигида ишлашди. Рўзгоримиз кўп қатори ўтиб турибди. Аммо ночор оилалар рўйхатида турганимиз дилми оғритади. Нега, биз ҳам қайда оилалар каби тўқис яшай олаёлик? Нега биз тадбиркорлик қилиб, эда обрў-эътибор топилаёлик, деб ўйлаб қоламиз. Фикрларимизни турмуш уртюғимизга айтганда, у «яхши ўйлабсан, кел, ўзимиз ҳаракат қилайлик, қўлдан берганга қўш тўймайлик», деб яхши ниёт билан иш бошлашга киришдик. 8 сотих томоркамизда иссиқхона қуришни ният қилдик. Агар маҳалла фуқаролар йиғини, туман ҳокимлиги ва банклар қўллаб-қувватласа, биз ҳам тадбиркорликни бошлаб юборамиз. Тўғри-да, қачонгина «аёллар дафтари»да ночор оила деган ном осет бўлса, ишлаб қармаётганда эндида бўлмас! Чунки боқимандалик ва ўзини ночор кўрсатиб, ҳеч ким обрў топмаган. Юртимизда тадбиркор ушлар-молларга иштиёзу имкониятлар яратилиши бўйича қарорлар қабул қилинган. Бу имкониятлардан биз ҳам фойдаланишга ҳаракат қилсак, албатта, мудоаомизга эга бўламиз.

Зубайда каби аёллар бугун оиласи буғунлиги ва тотувлигидан қувониб, қалбига эзгу мақсадларни жо қилиб, уларга интилиб яшамоқда.

Бирок жамиятимизда оғрикли муаммолар ҳали бисёр. Оилада аёлни камситиш, унга таъйиқ ўтказиш, қийноққа солиш ҳолатлари, таассуфли, ҳаётимизда ҳануз учраб турибди. Янчилик ахволга тушиб қолган ва бу вазиятдан чиқиб кета олмаётган минглаб опа-сингилларимиз орамизда яшашяпти.

Ўз ҳуқуқларини билмаган ёки буни талаб қилишдан қўрққан, ён-атрофдагиларнинг бир қоллидаги «Чид!» сўзига қўниб, жабрдийдага айланган аёлларимиз камми? Ҳўш, уларнинг бундай фикрлашига, хўрланшига қўншиларига сабаб нима? Муаммо илдизи қизларнинг мактабни битириб-битирмай эрта турмушга узатилиши, онгу шуғрига «Авалло, яхши келин бўлишинг зарур!» деган қараш сингдирилиши, ҳар қандай оғрикли ҳолатда ҳам «Ақралиш ўйимдан қаттиқ!» деган қарашдан чекинмаслигидан эмасмикин?!

Коллаверса, яқинда парламент қориси палатаси Раиси Танзила Норбоевнинг Россияга сафари доирасида Ўзбекистон Олий Мажлиси Сенати ва Россия Федерацияси Федерал Мажлиси Федерация Кенгаши ўртасида меҳнат миғрацияси соҳасида Меморандум имзоланиши ҳам меҳнат муҳриларини, айниқса, аёлларнинг ҳуқуқлари ҳамда манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Хотин-қизлар ҳуқуқ ва манфаатлари таъминланган жамиятда, албатта, тинчлик, адолат, эркинлик ҳамда фаровонлик бўлади. Аёл бахтли бўлса, оила ва жамият ҳам бахтлидир. Шундай экан, гендер тенгликни таъминлаш ҳамда опа-сингилларимиз ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш йўлидаги саъй-ҳаракатлар Ўзбекистонни энг бахтли одамлар мамлакатига айлантириши, шубҳасиз.

Мамлакат МАҲКАМОВА, Ислон Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети кафедра мудири, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.



Долзарб мавзу

Ҳаёт сирини синаётларга тўла. Бу жумбоқлар ечимини эса бизни ҳаминиш мўъжизалар билан рўбарў қилади. Шулардан бири — аёл! Бу нозик хилқат Яратганнинг улуг тухфаси. Гўзаллик, нафосат, меҳру муҳаббат тимсоли. Ҳаёт давомийлигини оналарга қиёс этамиз. Шоирнинг энг гўзал ташбеҳи-да — шулар. Сабру матонатда улар барчамизга ўрнак. Нозик жисмда муҳаббат бўлган битмас-туганмас гайрату шижоатга бағишлаб юз минглаб, эҳтимол, миллионлаб ўлмас асарлар битилгандир?! Шу сабаб кўҳна ҳикмату ҳақиқатлар ҳеч қачон ўзгармайди: аёл — муқаддас, она — мўътабар...

Гендер тенглик: СЕН БАХТЛИ ЯШАШГА ҲАҚЛИСАН, АЁЛ!

Митти вирусга қарши катта жасорат

Одатда турли жанг жадаллар, элу юртин ёвдан ҳимоя қилишда опа-сингилларимизни турли балою қазолардан пана қилишга уринамиз. Имкон қадар уларни асраб-авайлашга интиламиз. Аммо оналар хавфу хатардан ҳадик қилиб, ўз жони учун қайғурганини қачон қўрқди?! Ақинча, фарзандлари, яқинлари учун жонини ҳам бахшида қилишдан тоймайдиган волидаю муҳтарамлар — бутун инсониятнинг бебахо бойлигидир.

Коронавирус бутун баршарят тақдирини хавф сола бошлагани пандемиянинг ўтган йилги авж палларини эсланг. Шу митти душманининг катта балою офатларини олдида, ҳатто энг сўнгги рўсулдаги қурол-ярроғлар, нанотехнологиялар ҳам ожиз бўлиб қолган. Ушанда энг олдинги сафларга опа-сингилларимиз чиқди. Улар «тождор ёв»га қарши оппоқ халат қийиб курашдилар. Қанчадан-қанча шифокор аёлларимиз, меҳрибон ҳамшираларимиз вирус ўчоғида нафақат маशाққат билан меҳнат қилишди, балки кунларни туңларга улаб, ойлаб яшадилар. Нега? Чунки улар, аввало, она. Булун халқ, миллат тақдирини ўзларини масъул деб билувчи буюк элзотларидир. Ана шу қўрқатилган беқийс жасорату матонат тудайли минг-минглаб беморлар шифо топиб, ҳаёт қувончини яна ҳис этишди.

COVID-19 тўлиқ жиловланмаган ҳозирги мураккаб палларданма улар бир элм чарқочни ҳис этишгани йўқ. Қолаверса, хотин-қизларнинг устоз сифатидаги фаолиятини авазига миллионлаб фарзандларимиз таълим-тарбиядан узилиб қолмади. Ташқарида вирус изғиб юрган хатарли дамларда бутун бошли оила аъзоларини қарантин қондаларига амал қилиб, сабр билан уйда ўтиришларига сабабчилар ҳам шулар — оналаримиз, аёлларимиз, опа-сингилларимиз бўлишди.

Умуман, барча замон, барча соҳа, барча макондан бундай мисолларни жуذا қўллаб келтиришимиз мумкин. Шу боис хотин-қизларни эъзозлаш, асраб-авайлаш ва уларнинг қадр-қимматини юксалтириш, ҳаёт ҳамда меҳнат шарафларини яхшилаш кейинги йилларда давлатимиз сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бирига айланди.

Хар бирингиз муқофотга лойиқсиз

Оналар пойида ҳаминиш таъзимда бўлиш — фарз. Опа-сингилларимизга хар қанча эҳтиром кўрсатсақ ҳам, кам аслади. Юртбошимиз ана шу маънавий қарздорлик ҳиссини юрак-юракдан ҳис қилиб, мамлакат миқёсида яна бир эзгу ҳамда саовбли ишга қўл урди. Давлатимиз раҳбарининг тегишли қарори билан «Мўътабар аёл» кўрак нишонини таъсис этилди. Бу эса давлат ва жамоат ҳаётида фаоллик ҳамда ташаббуслорлик қўрсатган, оиланинг шаклланиши ва фаровонлигини таъминлашда фидоикорона меҳнати билан ўз ҳиссаларини қўшаётган хотин-қизларни рағбатлантиришда айна мудоао бўлаётди.

Бугунги кунга қадар 577 нафар аёл ушбу муқофотга сазовор бўлди. Биргина жорий йилнинг ўзида фидоий меҳнати билан ажраллиб турган, ўз оилаларида маърифат соҳасида намуна кўрсатган 761 нафар хотин-қиз ҳужжатларини таъминлашда фидоикорона меҳнати билан ўз ҳиссаларини қўшаётган хотин-қизларни рағбатлантиришда айна мудоао бўлаётди.

Президентимизнинг беш муҳим ташаббусини доирасида чекка ҳудудларда тикувчилик цехлари ташкил этилиб, 10 минг нафар аёл бандлиги таъминланди. Уй-жой сотиб олиш учун 1 минг 250 нафар опа-сингилларимизга қарийб 22 миллиард сўмлик бошланғич бадаллар тўлаб берилди. Бундай жиғри ишлар бундан кейин ҳам давом эттирилади.

Бундан тўрт йил олдин қизимиз жарроҳлик амалиёти билан даволаниши учун ўзида бўлган тикувчилик асбоб-анжомаларини сотиб юборган эдим, — дейди Гулистон шаҳридаги Намуна маҳалласида яшовчи Маъжуда Маъзубова. — Унечада уйда чеварлик қилиб, рўзгорини бутунлай турмуш уртюғимиз баҳоли қудрат ёрдам бериб турар эдим. Тикувчилик восталарим йўқлиги туфайли 2021 йилнинг март ойидаги ишсиз қолдим. Шукрки, «аёллар дафтари»га киритилганим туфайли яқинда бу муаммо ҳал бўлди. Тадбиркорлигимни тиклаш учун ажратилган кредитга тўртта тикув машинасини иборат чеварлик мажмуаси, дазимло ва бичув столлари, қайчилар туғилма сингари зарур нарсаларни харид қилдим. Ҳозир аёллар кўйида тайёрлаб, савдога чиқарилди. Рўзгоримизга қўшимча даромад кириб, ҳаётимиз яна ўз исига тўқиб кетди. Икки нафар фарзандимиз кўзай шарафларда таълим-тарбия олмақда. Эътиборлиси, ўзим яқинда ишсиз бўлган бўлсам, «аёллар дафтари» орқали кўрсатишган катта кўмак туфай-

«Балиқ берма, қармоқ бер!»

Бу кўҳна нақл — давлатнинг аҳоли ижтимоий ҳимоясига доир сиёсатида дахлдор траектория. Ўзбекистон кейинги йилларда худди шу йўналишда иш олиб бормоқда. Юртдошларимизнинг реал даромадларини ошириш учун уларга турли нафақаю тўловлар жорий этишга намуна кўрсатди. Ислохотлар самараси эса одамларимиз учун доимий даромад манбалари яратилганча на буй кўрсатяпти. Бу, хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, оила институтини хар томонлама мустаҳкамлаш бўйича олиб борилаётган салмоқли ишлар натижаларига ҳам тааллуқли.

Мазкур йўналишдаги давлат сиёсатини самарали амалга ошириш мақсадида энг катти бугун — маҳалла ва хонадонгача кириб борадиган вертикаль тизим яратилаётганини алоҳида таъкидлаш лозим. Айниқса, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги раҳбарияти бошчилигида республика ишчи гуруҳи тузилди, худудларда аёлларни қийнаётган муаммоларни аниқлади. Ушбу муаммоларни буйича манзилли олиб бориш учун мулқою янги тизим — «аёллар дафтари» жорий этилди.

2021 йилнинг мартига республика комиссияси томонидан ушбу «аёллар дафтари»га киритилган 80 минг нафар хотин-қизнинг муаммолари ҳал этилди. Ижтимоий ҳимояга муҳтож, турмуш шарафти оғир аёлларнинг 32 минг нафари иш билан таъминланди. Инкирозга қарши курашиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан салкам 17 минг нафар хотин-қизга амалий ёрдамлар кўрсатилди. Биргина «Хар бир

Ҳозирги вақтда мамлакатимиз бошқарув тизимида нафосат соҳибаларининг улуши 33 фоизга етди. Юртимиз бўйича бир ярим мингга яқин хотин-қизлар турли даражадаги раҳбарлик лавозимларида ишламоқда.

оила — тадбиркор» дастури доирасида 126 мингга яқин аёлларга имтиёзли кредитлар берилди.

Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун қарийб 215 минг оилага 6 триллион сўмдан зиёд кредит маблағлари ажратилди. Қарийб 55 минг нафар хотин-қиз тадбиркорлик ва касб-ҳунар марказлари томонидан ўқитилди, хунармандчилик ҳамда касаначиликка жалб этилди.

Президентимизнинг беш муҳим ташаббусини доирасида чекка ҳудудларда тикувчилик цехлари ташкил этилиб, 10 минг нафар аёл бандлиги таъминланди. Уй-жой сотиб олиш учун 1 минг 250 нафар опа-сингилларимизга қарийб 22 миллиард сўмлик бошланғич бадаллар тўлаб берилди. Бундай жиғри ишлар бундан кейин ҳам давом эттирилади.

ли энди икки шоғирдимни банд қилдим. Улар айни пайтда ҳам чеварлик сирларини ўрнамоқда, ҳам меҳнатига яраша манфаатдор бўлипти.

Давлат сизни қанотиға олади

БМТнинг ун йиллик ҳаракатлар дастуридан яхши хабардор бўлсангиз керак. Унга кўра 2030 йилгача мўлжалланган Барқарор ривожланиш кун тартиби, жумладан, «Ҳеч ким меҳр-эътибордан четда қолмайди!» тамойили рўёбга чиқарилади. Бинобарин, Барқарор ривожланиш мақсадларининг 5-банди — гендер тенгликни таъминлаш орқали хотин-қизлар ҳуқуқ ва имкониятлари кенгайтирилади. Бу дастур ижросига 2020 йилда киришилди. Ўзбекистонда ҳам бу борада амалий ишлар апликашон бошланган.

Хусусан, давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган «аёллар дафтари» ташаббусини айни шу эзгу мақсадлар рўёби билан тўлиқ ҳамохангидир. Бу хотин-қизлар билан бевосита мулоқотда бўлиш орқали уларнинг эҳтиёжлари ва муаммоларини аниқлашга имкон бермоқда.

Шунингдек, аҳолининг ижтимоий заиф қатлами дуч келадиган вазиятлар, чуночини, ногиронлик ва уларни ноқулай шарафига солувчи бошқа муаммоларни қўриб чиқиш имкониятини кенгайтиряпти.

— Бу дунёда имконсизликдан ортиқ азоб йўқ, — дейди Учқўриқ туманидаги «Янгиобод» МФЙда яшовчи Дилдора Саидова. — Ўйимизга меҳмон келадиган бўлса, адоғор ахволдаги кўрмисиз, тут-дай тўқилмай-тўқилмай деб турган хонадонимизга олиб киришга улардим. Баъзан болаларим тенгсўр дўстларимнинг чироий уйи, уйинчоқлари ҳақида ўзгача эътиқис билан гапириб, «Биз ҳам ўртоқларимизни қачириб, ўйимизда бир-га ўйнайлик», дея зорларимди. Ана шундай ҳалларда норасидларимнинг кўзига қарай олмай, дадаларини бўлаёнда, бунчалик қийналиб қолмасдик, деганча ала-

мимни йиғидан олардим. Малаалабай ўрганиш жараёнида мени «аёллар дафтари» рўйхатидаги кириштиди. Боиси турмуш уртюғим узоқ йиллар бичар ширсузи билан оғриб, оиламиз ночор ахволда қолган эди. Маҳалла-қўйдан беҳад миннатдорман. Чунки ҳамини ёрдам беришди. Лекин турмуш уртюғимни сақлаб қолишимиз имкон бўлмади. Қурилиш чалга қилиб кетган ўйимизга туман ҳокимлиги кўмағида дарвоза ўрнатилди, 4 хонади хонадонимиз муҳкамлаш таъмирланди. Ўзимни охинонча ёрдамчи ойнаш қилиб ишга жойлаштиришди. Маҳалламиз кўмағи билан тушган томоркамизга картошка эдик. Туман ҳокимлиги иккита соғин эчки берди. Ҳозир икки норасидамнинг қувончи кечис. Президентимизга, туман ҳокимлигига, маҳалладошларга каттадан-катта раҳмат!

Мамлакатда аёлларнинг ишсизлик масалаларини ҳал қилиш, таълим олишига маблағ ажратилиш ишлар изчил давом эттирилмоқда. 2021 йилда турмуш шарафти оғир бўлган аёллар ҳамда ёлғиз онаси қармоғида ўсган қизларни уй-жой билан таъминлаш мақсадида бюджетдан 210 миллиард сўм маблағ ажратилади бўлди. Бошланғиса йўқ опа-сингилларимизни ижара асосида «ижтимоий уй-жойлар» билан таъминлаш учун яна 211 миллиард сўм

Халқ сўзи Народное слово. Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ. 2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 448. 27 955 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нарҳда. Газетани ҳақидаги маълумотларни қўлиб олиш учун QR-қоғозини телефонингиз орқали сканер қилинг. ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 71-233-52-55; Котибхона 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15. МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи муҳаррир — М. Каримова. Мусахҳиҳ — Ш. Машраббев. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА яқини — 00.30 Топширилди — 01.05 1 2 3 4 5 6